

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОКШОМИ

№ 181 (5772)

9 АВГУСТ 1985 й.

ЖУМА

Газета 1986 йил
1 июлда тинч бошлаган.
Баҳоса 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС
XXVII
СЪЕЗДИ
ШАРАФИГА

«ТАШСЕЛЬМАШ»: ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДАН

КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси енгил автомобиллар ишлаб чиқарувчи Волжск бирлашмасининг фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишни жадаллаштириш, шу асосда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш борасидаги ташаббусини маъқуллади. Бу бирлашма 1990 йилда XII беш йилликнинг контроль рақамларидан ошиб кетадиган марраларга чиқиб олиш мажбуриятини қабул қилган эди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қабул қилган қарорда республиканинг кўпгина корхоналари Волжск автомобилсозларининг шу ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлаганини мамнуният билан қайд этади. Булар орасида Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи («Ташсельмаш»), Чирчиқ трансформатор заводи, Наманган абри газламалар шойи комбинати, «Тошкент трактор заводи», «Среднеазиат», «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқа корхоналар бор. Чунинчи, «Ташсельмаш» заводининг меҳнатқиллиги КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумининг қарорларига ва фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишлаб, КПСС Марказий Комитетиде ўтказилган кенгаш йўл-йўриқларига амал қилиб, келгуси беш йилликда корхона учун контроль рақамларда белгиланган топшириқларни гот пухта ишлаб чиқди. Улар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг қўшмача резервларини қидириб топди ва белгиланган марралардан ўзиб кетиш имконини берувчи мажбуриятларини қабул қилди.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ва меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг биринчи юксак суръатларини таъминлаш кўзда тутилган. Ишловчиларнинг сонини камайтириш ҳолда маҳсулотнинг 12,5 процент ўсишига эришилди. Ишлаб чиқарилаётган барча

буюмлар янгиланиб, модернизация қилинади, уларни тайёрлаш ва ишлаб чиқаришни ўзлаштириш мuddатлари 1,5 баравар қисқартирилди. Топшириқдан ташқари 10 миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан асосий материаллар сарфлаш нормаларини камайтириш ҳисобига 1500 та пахта териш машинаси тайёрланди. Ажратилган капитал маблағ асосан ишлаб чиқаришнинг энг муҳим участкаларини техника билан қайта қуроллантиришга сарфланади ва ўн кичкинчи беш йилликда мана шу омил ҳисобига қувватларнинг 70 процент ўсиши таъминланади. Буюмларнинг техникавий даражаси ва сифатини, қўл меҳнатини механизациялашнинг анча ошириш, автоматика ва ҳисоблаш техникаси воситаларини жорий этиш ишларини жадаллаштириш, фойда олишни ўстириш ҳамда маҳсулот таннархини арзонлаштириш юзасидан

ТОШКЕНТ МЕТРОСОЗЛАРИГА МУКОФОТЛАР

8 август кунини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев В. И. Ленин номи Тошкент метрополитени қурувчиларининг бир гуруҳасига СССР орден ва медалларини тانتанали вазиятда топширди. Метросозлар бу мукофотларга ериштирилди. Шунингдек Меҳнат Қизил байроқ, Халқлар дўстлиги, «Хурмат

ган муваффақиятлари учун сазовор бўлиди. «Ташметрострой» трести 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг комплекс бригадаси бошлиғи Г. Б. Люстерга Ленин ордени, «Ташметрострой» трести 2-тоннель орденининг комплекс бригадаси бошлиғи Л. Г. Токарчук Октябрь Революцияси ордени топширилди. Шунингдек Меҳнат Қизил байроқ, Халқлар дўстлиги, «Хурмат

белгиси». II ва III даража Меҳнат Шухрати ордени, СССР медаллари топширилди. И. Б. Усмонхўжаев мукофотланганларни самимий табриқлади, уларга мустақим сўхат-саломатлик, бахт-саодат, Ватан манфаатлари йўлидаги меҳнатда янги муваффақиятлар тилади. КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишлаб, партия Марказий Комитетиде ўтказилган кенгаш талаблари руҳида Тошкент метро қурувчилари олдида катта ва масъулиятли вазифалар турганини таъкидлаб ўтирди.

Давлат мукофотларини топшириш маросимида Тошкент област партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов қатнашди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Франция Коммунистик партияси Сийсий бюросининг аъзоси, «Револьосюн» журналининг сийсий редактори Ги Эрмье Ўзбекистонга келди. У В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкентдаги филиалига, Ўзбекистон ССР

Халқ хўжалиги ютуқлари Виставкасига борди, «Ўзбексельмаш» заводида бўлди, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди.

Тошкент област комитетиде қабул қилинди. Франциядан келган меҳмон Самарқандга сафар қилди.

Ҳиндистон Коммунистик партияси активларининг бир гуруҳаси республика ҳаёти билан танишмоқда. Улар В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалининг

экспозицияларини, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари Виставкасини кўздан кечирди, Тошкент шаҳар ижроия қўмитетиде ва Орқонқиде район партия комитетиде бўлди, Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойлари ва янги қурилиш районлари билан танишди. (ЎзТАГ).

ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ, ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШИМИЗ—КПСС XXVII СЪЕЗДИГА!

К. Е. ВОРОШИЛОВНОМИДАГИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАСОЗЛИГИ ЗАВОДИ — «ТАШСЕЛЬМАШ» КОЛЛЕКТИВИНИНГ ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ JAДАЛЛАШТИРИШ ВА ШУ АСОСДА ЎН ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БОРАСИДАГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

«Ташсельмаш» заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС XXVII съездининг ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездининг муносиб кутиб олиш учун зарбдор меҳнат ваҳтасида туриб, КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми қарорларига ҳамда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишлаб, КПСС Марказий Комитетиде ўтказилган кенгашининг йўл-йў-

риқларига амал қилиб, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини мuddатдан илгари, 20 декабргача бажарилишини таъминлайди.

«Ташсельмаш» заводининг коллективини ўн иккинчи беш йилликка мўлжалланган контроль рақамларини муҳокама этиб ва Авто-ВАЗ, Минск мотор заводининг, мамлакатдаги бошқа илгор корхоналарнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, қўйидаги мажбуриятларини қабул қилди:

қисмларга бўлган талабни камийтириб, пахта териш машиналарининг пишиқ-пухталлигини анча оширилишига эришилди. Меҳнат хоссалари оширилган илгор профилларни қўлланиш, композицион материаллар ва пластмассалардан кенг фойдаланиш ҳисобига машиналарнинг конструктив вазни 100—150 килограмм енгиллаштирилди.

Фан ва техниканинг илгор ютуқлари, прогрессив технологиялар ҳамда жадал қайта соналандирилган ишлаб чиқариш асосида жаҳондаги энг яхши намуналардан қилинган «МТЗ-80» ва «МТЗ-80Х2М» тракторларига ўрнатилган, юз от қўшмачага бўлган моторлар билан таъминланган янги техникавий даражадан пахта териш машиналари яратилди ва ўзлаштирилди. 1987—1988 йиллар мобайнида техникавий даражаси ва ишлаб чиқарётган маҳсулотнинг сифати жиҳатидан завод намунаси деб аттестациядан ўтказилди.

Ишлаб турган корхоналарни техникавий жиҳатдан такомиллаштириш борасида ишлар давом эттирилди, асосий фондларнинг актив қисmini янгиллаш суръатлари ўн биринчи беш йилликдаги нисбатан икки баравар оширилди. Учасналар ва цехлар рақамли программа билан бошқариладиган 230 та станок, 100 та робот, роботехника комплекслари ва манипуляторлари билан, жадал қайта соналандиган 25 та автомат линия, 18 та поток механизациялаштирилган, 70 та маҳсул агрегатлар, автомат ва ярим автомат станоклар билан жиҳозланади. 1990 йил

га бориб, корхонанинг ўз станоксозлиги маҳсулотини яратилади ва унинг 5,0 миллион сўмлик ҳажмида ишлаб чиқарилиши таъминланади. Шу асосда айрим операцияларда меҳнат унумдорлигининг кўп қарра оширилиши таъминланади, ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларини автоматлаштириш йўли очилади. Қўлда бажариладиган ишлар салмоғи 18 процент камийтирилди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 7 миллион сўмликка етказилди, шу молларни ишлаб чиқариш ҳажми ҳаридорлар бўлган янги хил молларни ўзлаштириш ҳисобига оширилди, хўжалик юртишнинг янги шаклида завод ишининг самарадорлигини ошириш, социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиш фонднинг меҳнат коллективини ишлаб топган маблағлари ҳисобига жами саҳни 30,0 минг квадрат метрга борадиган уй-жойлар, 320 ўринли болалар боғчаси, 500 ўринли маданий саройи барпо этилади.

Заводнинг Искандарлиги пансионатиде ўринлар сонини 250 тадан 500 тага етказилди.

«Ташсельмаш» заводи меҳнатқиллиги қабул қилинган социалистик мажбуриятларини корхонанинг XII беш йилликка мўлжалланган давлат планига киритишни сўрайди ва уни шараф билан бажариш учун бутун кучларини сарфлайди.

Биз республиканинг барча машинасозларини тармоқини техника билан муваффақиятли равишда қайта қуроллантириш, КПСС XXVII съездининг муносиб кутиб олиш учун социалистик муСОБАГА қўшилишга қақирамиз.

Ушбу социалистик мажбуриятлар завод партия-хўжалик активни кенгашда муҳокама этилиб, қабул қилинган.

Бугун ташаббуси Ўзбекистон

К. Е. Ворошилов номидаги Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги («Ташсельмаш») заводи коллективини фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва шу асосда ўн иккинчи беш йилликда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш юзасидан ватанпарварлик ташаббуси билан чиқди. Меҳнатини илгий асосда ташкил этиб, ишнинг бригада формаларини кенг қўлланыётган ташсельмашликлар ҳамда, олға томон ҳаракат қилимоқдалар. Корхона меҳнатчилари қўллаб-қувватлаб фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажмининг ва меҳнат унумдорли-

Компартияси Марказий Комитети Бюросида маъқулланган корхонада

гини ўстиришнинг биринчи юксак суръатларини таъминлаш имконини берувчи қўшмача резервларини қидириб топди. Коллектив ишловчилар сонини камийтириш ҳолда маҳсулотнинг 12,5 процент ўсишига эришилди, ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг ҳажмасини янгиллаш ва модернизациялаш, уларни тайёрлаш ва ўзлаштириш мuddатларини бир ярим баравар қисқартиришга қарор қилди. Топшириқдан ташқари 10 миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан 1500 та пахта териш машинасини тайёрлаш белгиланди.

Ташсельмашликлар ташаббуси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюросида маъқулланди. Бу ташаббус шак-шубҳасиз Ўзбекистон пойтахтининг меҳнат коллективлариде кенг қўллаб-қувватланди, у ўн иккинчи беш йилликда янада юксак натижаларга эришиш имконини беради, тошкентликлар КПСС XXVII съездининг муносиб кутиб олишга интилайётганлигини намоён этиш учун яна бир ёрқин далил бўлади.



Республика қишлоқ хўжалик машинасозлигининг тўнғич корхонаси — «Ташсельмаш» заводи деҳқонлар учун нихотда зарур пахта териш комбайнлари ишлаб чиқаришни йил сайини кўпайтирмоқда. Фақат шу йилнинг ўзида ўн жингтадан энг «зағирон кема» ишлаб чиқарилади. Коллектив меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб

чиқаришни кўпайтириш учун ички резервларини тинимсиз изламоқда. Корхонанинг юзлаб ишчилари смена топшириқларини мунтазам 20—30 процент ортиқ билан адо этишяпти. Токарлар бригадари, КПСС XXVII съезди делегати Ю. Степаненко, «КПСС XXVII съезди» — 27 зарбдор ўн кўнлик ҳаракати ташаббускорларидан бири Д. Атаманов корхонадан ташқариде ҳам яхши таниқилар. Бу мусобақа пешқадамларига ҳам таъғиллашга интилади.

Қимматли ташаббуслари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида маъқулланган ташсельмашликлар ўн биринчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш, навбатдаги ўн иккинчи беш йилликни ҳам зарбдор суръат билан бошлаш учун бутун куч-гайратларини сафарбар этимоқдалар. Бу уларнинг КПСС XXVII съездида меҳнат соғалари бўлади.

СУРАТЛАР: «Ташсельмаш» заводининг бир гуруҳа ишлаб чиқариш илгорлари; Д. Атаманов;

• Ишчи минбари

ТАЛАБЧАНЛИК РУҲИДА

Ҳозир партия қўйи заволаарида — партия гуруҳлариде ҳисобот сайлов йиллиқлари давом этапти. У XXVII съездига тайёрларлик бўйича қилинаётган барча ишларнинг ўзига хос қўриғи ҳисобланади. Коллективимиз 1985 йил учун ўз зиммасига социалистик мажбуриятлар қабул қилганда иш жойларини аттестация қилиш ишларини давом эттириш-

энергиялар тўлароқ фойдаланиш ва шу йўл билан икки кун тежаллаш ресурслар асосида ишланга азму қарор қилган эдилар. Корхонамизда Юрий Степаненко, Ольга Карпова, Дмитрий Атаманов сингари ишлаб чиқариш илгорлари коллективнинг ўз олдига қўйган юксак вазифаларини бажаришга ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшмоқдалар. Масалан, электр пайвандчи Дмитрий Александрович Атаманов иккимой ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, тартиб ва ушшоқчиликни ошириш, меҳнат интизоомини мустаҳкамлаш зарурлиги ҳақидаги апрель (1985 йил) Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб беришга интилиб, КПСС

XXVII съезди шарафига 27 зарбдор ўн кўнлик ишори остида ишлан ташаббускорларидан бири бўлиб майдонга чиқди. Маълумки, бу ташаббус Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томониде маъқулланди. Кўн кеча эса корхонамиз коллективининг фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва шу асосда ўн иккинчи беш йилликда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича янги ташаббуси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида маъқулланди. Бу нарсга биз ишчиларни янада масъулият билан ишланга илҳомлантирляпти. Р. ТУРАЕВ, «Ташсельмаш» заводининг коммунистик меҳнат зарбдори.

• ТОШКЕНТ — ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР ШАҲРИ

РЕСТОРАН... КОНЦЕРТГА ЧОРЛАЙДИ

Шаҳримизда кўпгина яхши анъаналар турғилмоқда. Биз республикамизнинг пойтахти гулзаили билан фахрланамиз ва унинг шухратига шухрат қўшишга ҳамisha интиламиз. КПСС Марказий Комитетининг «Ичкилик-бозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ана шу хавфли иллатга қарши кураш олиб борилаётганлиги аини мuddаодир. Хушёрлик ҳаётимиз-

нинг тарзи бўлиб қолмоқда. Бутунги кунда дам олувчилар кафе ёки ресторанида спиртли ичимликларни ичиш учун эмас, балки бўш вақтининг маданий ўтказиш учун бормоқдалар. Лекин бу даргоҳларга келадиган дам олувчилар ҳамма вақт ҳам келувчиларнинг маҳоратидан мамун бўлмайди. — Шанба ва якшанба кунлари Тошкент ресторанида профессионал ижодий коллек-

тивлар, республикамиз санъат усталарининг маҳоратини намоён қилишга қарор қилинди. — дейди Ўзбекистон ССР Маданият вакиллари муассасалари бошқармаси бошлиғи Қ. В. Бердиев. Хоразм филармониясининг «Сабо» ансамбли яқинда «Шодлик» ресторанида муваффақиятли концерт берди. Тошкентликлар ва пойтахтининг меҳмонлари бундан буён республикамизнинг Э. Қандов, М. Тошматов, Қ. Муҳитдинов сингари санъат усталари, «Садо», «Ялла» вокал-чолгу ансамбли ва бошқа коллективларнинг ижоди билан яқиндан танишди.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИНИНГ МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Бугун кеч соат 20 да

«Зарафшон» ресторанида Ўзбекистон санъат усталарининг концерти бўлади. Концертда «Наво» вокал-чолгу ансамбли солистлари ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист О. Отамонов қатнашади.

«Тошкент» ресторанида эса мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарлари ва чет элларда маҳоратини муваффақиятли намоён қилган «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли солистлари концерт беришадир. Бу концертда республикада хизмат кўрсатган артист Е. Екубов ва С. Муҳитдинов қатнашади. «Чилонзор» ресторанида эса пойтахтимиз меҳмонлари — «Санъат-панорама» вокал-чолгу ансамбли концерт беради.



